# ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

< [1]

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директори жаноб Доминик Стросс-Каннинг ташрифи якунлари бўйича баёнотида “Ўзбекистон танлаган ислоҳотлар йўналиши бошқа давлатларга нисбатан ўзининг афзалликларини кўрсатганлиги, Ўзбекистон банк тизимига жаҳон молиявий инқирози ўз салбий таъсирини кўрсатмаганлиги, мамлакат банклари барқарор фаолият юритаётганлиги, Ўзбекистон Ҳукумати ўз олдига бундан ҳам юқори иқтисодий ўсишга эришиш масаласини қўйганлигини, бошқача айтганда, Ўзбекистонда жорий йилда иқтисодий ўсиш суръати жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлишини”, қайд этди.

Республика тижорат банклари томонидан пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ва омонатларнинг янги жозибадор турларини жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар аҳоли ва хўжалик субъектларининг банклардаги жамғармаларининг янада ошишига имкон яратмоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида аҳолининг кредит ташкилотларидаги омонатлари ҳажми 1,8 бараварга ўсиб, 1 июль ҳолатига 2 трлн. 190 млрд.сўмга етди.

Тижорат банклари активлари “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ шакллантирилган захиралар билан бирга 14 трлн. 865 млрд.сўмдан ёки аҳоли ва хўжалик субъектларидан жалб қилинган депозитлар миқдоридан деярли 2 бараварга ошди.

Ҳозирги кунда банк активлари сезиларли даражада ўсганлигини ҳисобга олиб, аҳолининг банклардаги барча турдаги омонатлари 100 фоиз давлат томонидан кафолатланган.

Ўз навбатида, банк тизими Президентимиз томонидан белгилаб берилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича сезиларли молиявий кўмак кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, бугунги кунда 78 та банкрот корхона молиявий соғломлаштириш мақсадида тижорат банклари балансига олинган. Шундан, 30 та корхона техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб ва ишлаб чиқариш қувватлари тикланиши таъминланиб, банклар томонидан янги инвесторларга сотилди.

Сотиб олинган корхоналарга уларнинг янги мулкдорлари томонидан 85 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар инвестиция қилинди ва 9 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Ҳисобот даврида экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун 12 ой муддатга ва йиллик 9,8 фоиз ставкасида (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизи) банклар томонидан берилган имтиёзли кредитлар ҳажми 81 млрд.сўмдан ошди.

Экспорт қилувчи стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик 29 та корхонанинг 122,6 млрд. сўмлик банк кредитлари реструктуризация қилинди.

Ҳисобот даврида банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 бараварга ошди ва 937,0 млрд.сўмни ташкил этди.

Хусусий тадбиркорларга берилган микрокредитлар ҳажми 3 бараварга ошиб, 190 млрд.сўмга етди.

(ЎзА)

Саломатмисиз, маҳалладош?

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

< [1]

Рўйхатда турадиган беморлар учун патронаж ҳамшира ва алоҳида врач бириктирилган. Онкологик, эндокринологик касалликларнинг айрим турлари билан оғриган беморлар, уруш қатнашчиларига ҳам ёрдам кўрсатяпмиз. Асосий эътиборимиз эса, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда оилаларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилмоқда. Маҳаллаларга бириктирилган врач ва ҳамширалар туман хотин-қизлар қўмитаси, фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари кўмагида аҳоли ўртасида санитария-гигиена тарғиботини олиб боришади. Бу эса, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилаётир.

Президентимизнинг жорий йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида “Маҳалла” жамғармасининг Зангиота тумани бўлинмаси, туман ҳокимлиги, Тиббиёт бирлашмаси, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Саломатлик маркази ҳамкорлигида туғиш ёшдаги аёллар, вояга етмаган қизлар ўртасида “Репродуктив саломатлик ва соғлом оила”, “Соғлом онадан — соғлом фарзанд” каби мавзуларда тадбирлар ўтказилиб, оилаларда тиббий маданиятни оширишга ҳаракат қилиняпти.

— “Назарбек” қишлоқ врачлик пунктимизда жами 32 нафар ҳамшира ишлайди, — дейди олий тоифали ҳамшира Дилфуза Абдуллаева. — Ҳозирда энг қулай ва самарали бўлган оилавий ва патронаж ҳамшира тизимида иш олиб боряпмиз. Ҳамширалар ҳар бир оиланинг турмуш тарзини, ижтимоий-маънавий аҳволини яхши билишади. Айниқса, аёллар ўзларини ва фарзандларини қийнаётган айрим муаммолар ҳақида ҳамширалар билан бемалол суҳбатлашади, керакли маслаҳатларни олади.

Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида амалга оширилаётган “Саломатлик 2” лойиҳаси асосида “Шаҳарлараро мулоқот”, “Бирламчи тиббий санитария тизимида ҳамширалик ишининг асосий кўникмалари”, “Репродуктив саломатлик ва бехатар оналик” сингари мавзуларга бағишланган ўқув-семинарларда ҳамшираларнинг иштирок этаётгани уларнинг касб маҳоратлари ва масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳолига беминнат тиббий хизмат кўрсатиб келаётган бундай қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиникалар, хусусий даволаш ҳамда ташхис марказлари касалликларнинг олдини олишда ҳамда фуқароларнинг саломатлигини тиклашда алоҳида аҳамиятга эга.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**“Mahalla” мухбири.**

«Оила – маҳалла – мактаб» ҳамкорлиги

# “ОИЛА МУҲИТИ НИГОҲЛАРДА АЁН БЎЛАДИ”

## — дейди Шайхонча қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Иброҳим Холиқов

**Бухоро туманидаги Шайхонча қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Иброҳим Холиқов ҳар гал эртанги кун иш режасини тузганида, бир соат вақтини мактаб учун ажратади. Албатта, вақт топиб, ўқувчилар, мактаб жамоаси билан учрашиб, фикрлашиб олади.**

— Болаларнинг кайфияти маҳалладаги оилаларни ўрганишимда асқатади, — дейди раис. — Болалар беғубор хилқат. Уларнинг кўзи ҳеч қачон алдамайди. Мен ҳар гал ўқувчиларнинг кўзидаги ифодага разм соламан. Қорачиқларнинг порлаши ёхуд маҳзунлигидан ўша оиладаги муҳит ҳақида муайян хулосага келаман.

Иброҳим ака бу одатини канда қилмаслигининг боиси бор. Бундан икки йил бурун у маҳалла котиби эди. Ўшанда мактаб директори унга учрашиб, бир ўқувчининг отаси уни икки-уч кундан буён мактабга юбормаётганини, бу хонадонга ўқитувчию директорнинг қатнаши натижа бермаётганини айтди. Котиб директор билан бирга бу хонадонга борганидан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Боланинг отаси фарзандим ўқиб олим бўлармиди, дея қўлини силтади.

Котиб ўйлай-ўйлай шом палласи яна ўша хонадонга йўл олди. Бу гал унга маҳалла фаоллари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Самандар Воҳидов ва филология фанлари номзоди Самад Азимов ҳамроҳлик қилишди. Маҳалланинг обрўли инсонларини кўрган уй эгаси шошиб қолди. Дарҳол уларни ичкарига таклиф қилди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, котиб сўз қотди:

— Биродар, ўғлингиз шу инсонлардек ўқиб олим ёки шоир бўлса ёмонми?..

Коса тагидаги нимкосани илғаган ота мулзам бўлиб, ер чизди. Сўнг фаоллар бугунги кунда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар ҳақида узоқ гапиришди. Эртаси кундан яна мактабга қатнай бошлаган ўқувчи бугун аълочилар сафида.

Маҳалла мактабга фақат тарғибот-ташвиқот борасида эмас, балки ёзги таътил пайтида мактабларда олиб борилаётган таъмирлаш ишларида ҳам кўмак бермоқда. Йиғин мутасаддилари ҳомийларни мактабни таъмирлаш ишларига жалб этгани боис, ўқув маскани кўркам қиёфа касб этмоқда. Чунончи, маҳалладаги тадбиркорлардан Насим Ҳамроев мактаб спорт залини таъмирлаб, синфхоналар учун иккита эшик, иккита ром олиб берди. Шунингдек, Фазлиддин Рустамов ва ҳудуддаги фермер хўжаликлари бошлиқлари мактаб кутубхонаси фондини бойитиш, билим масканининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантиришда ўз ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

— Ота-оналар, ҳомийлар билан ўрнатилган доимий ҳамкорлик таълим сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда, — дейди маҳалла ҳудудидаги 17-сонли умумтаълим мактаби директори Сабоҳат Иброҳимова. — Чунончи, айни пайтда сабабсиз дарс қолдириш ҳолатларига чек қўйилди. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ёшларни ҳунар ўрганишга йўналтириш борасида ота-оналар иштирокида ўтказилган ўқув-семинарлар натижасида жорий йилги 64 нафар битирувчимизнинг ҳаммаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб этилди.

**Акбар РУСТАМОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

# Тажриба алмашишди

Семинар



“Маҳалла” жамғармаси республика бошқарувида жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими, бўлинмалари раислари, масъул котиблари ҳамда бош ҳисобчилари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

“Маҳалла” хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов тадбирни очар экан, ўқув-семинарнинг мақсади ҳақида тўхталиб, жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари раислари, масъул котиб ва бош ҳисобчилари зиммасига катта масъулият юклатилгани, улар ўз ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини чуқур ҳис этиб, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштиришда фаол иш олиб боришлари лозимлигини таъкидлади.

— Ўқув-семинар малакамизни ошириш билан бирга, ўзаро тажриба алмашиш имконини ҳам берди, — дейди “Маҳалла” жамғармасининг Зангиота тумани бўлинмаси раиси Дилором Тошмедова. — Қабул қилинаётган қарорлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар моҳиятини англаш, уларни аҳоли орасида тарғиб этиш асосий вазифаларимиздан.

Тадбирда мутахассислар томонидан ўқилган маърузалар малакамизни оширишда қўл келади. Хусусан, вояга етмаганларга бериладиган нафақалар борасида тушунмовчиликлар бор эди. Бу борада Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи муовинининг “Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги бухгалтерия ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги ҳамда моддий ёрдам, нафақаларни тўлаш” мавзусидаги маърузаси биз учун кўп масалаларни ойдинлаштириб берди. Бундай тадбирлар чекка қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Семинар сўнггида ўтказилган очиқ мулоқот давомида кўплаб саволларга ойдинлик киритилди.

**М.ЛАТИПОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

**Мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, хорижий сармоя ва замонавий технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилаётгани ўз самарасини бермоқда.**

Олтинкўл тумани Жалабек қишлоғидаги «FIKENTEX ANDIJON» Малайзия шўъба корхонаси ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир. Хорижий корхонага 365 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси киритилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли-туман пайпоқ маҳсулотлари ўзининг сифати, пишиқлиги ва бежиримлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Корхона йилига маҳаллий пахта толасидан 350 минг жуфт турли хилдаги пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

**Шуҳрат ОЛИМОВ**
***(ЎзА)* олган сурат.**



**СУРАТДА:** *«FIKENTEX ANDIJON» Малайзия шўъба корхонаси ишчиси Зулайҳо Содиқова.*

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги

# КЎҲНА ДАҲАНИНГ НАВҚИРОН МАНЗАРАСИ

Шаҳарнинг қадимги даҳаси Шиблий 1939 йилгача яйлов ва мевали боғлардан иборат бўлиб, кейинчалик уларнинг ўрнига уйлар солинган, маҳаллалар барпо қилинган. Даҳага яқин жойдан Бўзсув канали оқиб ўтган. Йўл ёқасида қатор ғишт хумдонлари бўлган. Теварак-атрофдаги тепаликларда ғишт учун ишлатиладиган тупроқнинг кўплиги, сал пастроқдан эса Бўзсувнинг оқиб ўтиши ҳунармандларга катта қулайлик туғдирган.

Канал устида «Алвасти кўприк», деб аталган ёғоч кўприк қурилган. Унинг атрофида пастқам, жарликдан иборат қаровсиз ерлар бўлган. Мен яхши эслайман. Бўзсув қирғоқларининг бўйи саёз бўлганлиги учун ёз келиши билан болалар чўмилгани чиқарди. Баъзида Бўзсув анча нотинч оқарди. Шунда ота-оналар болаларига чўмилишни тақиқлашарди.

Каналнинг берироғида ёғочдан қурилган уй бор эди. Унинг ёнида чойхона, ошхона ва савдо расталари қад ростлаганди. Кексалар ҳанузгача бу ерни «Ёғоч уй» деб аташади.

Тошкент тарихига оид манбаларда қайд этилишича, 1921 йилнинг охирида трамвай Шиблий марказигача келган. У Шиблийга олди билан келиб, орқаси билан қайтарди. Кейинчалик трамвай йўли ҳозирги «Ўзбекқишмаш» заводигача узайтирилди.

Бизнинг ҳовлимиз Қорамурт кўчасида жойлашганди. Ҳовлимиз жуда файзли, кўркам, боғ-роғлардан иборат бўлиб, у ерда қантак ўрик, олма, гилос, ёнғоқ, олча, қаби мевали дарахтлардан мўл ҳосил олардик. Бувам Йўлдошбой ота етимпарвар, мурувватли инсон сифатида маҳаллада машҳур бўлганлар.

1961 йили «Ғалаба боғи» (ҳозирги «Тошкентленд» истироҳат боғи) ва кўчаларнинг кенгайиши сабабли уйимиз бузилиб, «Шаҳристон» маҳалласидан уй қуриш учун жой берилди. Мустақиллик шарофати билан маҳалла ҳудудидаги қадимий масжид қайта қурилди, майдони кенгайтирилди ва «Мирзо Юсуф» номи билан атала бошланди. Обод бўлган маҳалламиз яна қайтадан номланиб, 2005 йил 25 сентябрдан улуғ аллома Шайх Шиблий номи билан юритила бошланди.

Маҳалла ҳудудида Давлат тест маркази, «Технофарм», «Новофарм» қўшма корхоналари, «Радиссон САС» меҳмонхонаси, «Мирзо Юсуф» жоме масжидлари жойлашган. Бугунги кунда бу ерда 4000 нафарга яқин аҳоли тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Маҳалланинг биринчи оқсоқолларидан Эгамберди ота Тожиевнинг номи ҳамон ҳурмат билан тилга олинади.

Айни пайтда маҳалламизда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Юбилей муносабати билан тарғибот ва ташвиқот ишлари кўлами кенгайди. Айниқса, маҳалла ободончилиги ва кўркамлигига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Кундан-кунга чирой очиб, обод бўлаётган шаҳримиз ва маҳалламиздаги ўзгаришларни кўриб, қалбим қувончга тўлади. Шундай гўзал пойтахтим борлигидан ва унинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

**Гулжамила АЪЗАМХЎЖАЕВА,**
**ўқитувчи.**



Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманининг тоғли ҳудудида жойлашган Ҳисорак Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида.

Тамшўш, Сарчашма, Ғилон, Ҳисорак, Чунгирак, Бошқоб, Кўл, Сайёд каби қишлоқ ёшлари таҳсил олмоқда. Коллеж 540 ўринга мўлжалланган бўлиб, замонавий компьютер, қўлланмалар ва лобаратория жиҳозлари билан таъминланган. Айни пайтда у ерда 443 нафар ўқувчи 43 нафар малакали муҳандис-педагоглар қўлида таҳсил олмоқда.

Коллеж Германия тараққиёт банки ҳомийлигида жаҳон андозалари асосида жиҳозланган бўлиб, ёшларнинг билим олиши учун барча қулайликлар яратилган. 50 ўринга мўлжалланган талабалар ётоқхонаси мавжуд бўлишига қарамай, ҳозирда яна 100 ўринли ётоқхона қуриш ишлари олиб бориляпти.

**А.ҒАФФОРОВ**

**СУРАТДА:** *коллеж биносининг умумий кўриниши*

# НАМУНАЛИ ҲУНАР МАСКАНИ

**Зафаробод маиший-хизмат касб-ҳунар коллежи қурилиб ишга туширилганига икки йил бўлганига қарамай бугунги кунда тумандаги намунали билим даргоҳларидан бирига айланди.**

Қалин дарахтлар билан ўралган билим юртининг муҳташам биноси узоқдан ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Ҳовлига экилган арча ва гул кўчатлари меҳр билан парвариш қилинаётгани боис, баравж ўсмоқда. Билим юртига ташриф буюрган киши бу ердаги ободончиликни кўриб кўзи қувнайди.

— 600 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган билим юртимизда 764 нафар йигит ва қизлар 9 та касб йўналиши бўйича билим олмоқда, — дейди коллеж директори Шавкат Сайфуллаев. — Ўқув масканимиз маиший хизмат кўрсатиш ходимлари тайёрлашга ихтисослашган бўлса-да, унда молия, банк ва бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалик ҳуқуқшунослиги, педагогика ва мактабгача тарбия йўналишлари бўйича ҳам малакали кадрлар тайёрланмоқда. Ҳозиргача коллежимизни 340 нафар ёшлар битириб чиққан бўлса, бу йил 210 нафар ёшлар ўрта махсус маълумотга эга бўладилар. Ҳозир уларни ишга жойлаштириш юзасидан шартномалар расмийлаштирилмоқда. Битирувчиларимизнинг қарийб тўқсон фоизи туманимизда қолиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида иш бошлайдилар.

Коллеж ўқувчиларининг асосий қисмини қизлар ташкил этади. Уларнинг фаол иштироки туфайли билим юртида «Балли қизлар!», «Баркамол авлод — Ватан келажаги», «Ҳаётга тайёрмисан, қизгина?» мавзуларидаги кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланиб қолган. Оммавий спорт мусобақаларида эса жамоа йигитларининг қўли баланд. Улар футбол, волейбол, белбоғли кураш ва бокс бўйича нафақат туманда, балки вилоят билим юртлари ўртасида ҳам ғолиблар қаторидан ўрин олиб келишяпти. Яқинда қўл тўпи бўйича ўтказилган вилоят бўйича мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган билим юрти спортчилари рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлдилар.

Билим юртида Холмирза Ражабов, Эркин Омонов, Ҳабибулла Асқаров ва Исроил Нормуродов каби 50 дан зиёд устоз ва мураббийлар фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Ётоқхонада истиқомат қилиб, касб сирини ўрганаётган ёшлар ташаббуси билан ётоқхона биноси қайта жиҳозланиб, фан тўгараклари ташкил этилди. Айни вақтда коллежда «Ягонасан, муқаддас ВАТАН!» кўрик-танловининг туман босқичига қизғин ҳозирлик кўриляпти. Унда ижодкор ёшларнинг кенг иштироки таъминланмоқда. Билим юрти маъмурияти ушбу тадбирга алоҳида эътибор қаратиб, иштирокчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

**Абдували ҚАРШИЕВ**

Йиғин раисининг бир куни

# ҲАР ОИЛАНИНГ ТИНЧИ БЎЛСИН

Кармана шаҳрида жойлашган Мир Саййид Баҳром номидаги маҳалла раиси Рисолат Раҳматова ўзининг кундалик фаолиятини ҳудудни ободонлаштириш, атроф-муҳит тозалигини таъминлашдек хайрли ишлар билан бошлайди.

Тумандаги санитария-эпидемиология назорати идораси ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари бу борада раисга яқиндан кўмак беришади.

— Ходимларимизнинг иш вақти чекланмаган, — дейди йиғин раиси Р.Раҳматова. — Эрта тонгдан идорага келиб, маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда бажарилиши лозим бўлган ишларни белгилаб оламиз. Мақсадли режа асосида иш олиб борганимиз туфайли бир кун мобайнида талай ишларни амалга оширишга улгурамиз.

Маҳаллага ташриф буюрган чоғимизда раис бир оиладаги можароларини бартараф этиш ҳаракатида юрган экан. Ёлғиз онанинг келини бошқа шаҳарга ишга кетгач, ҳеч қаерда ишламайдиган ўғли ичкиликка берилди. Неваралари билан қийналиб қолган онахоннинг оиласидаги вазият маҳалладагиларни ташвишлантириб қўйди. Раис йигит билан алоҳида суҳбатлашиб, фарзандлари ҳали ёшлигини, оиладаги кўнгилсизликлар уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини ётиғи билан тушунтирди. Йигит қилмишидан афсусланиб, бундан буён маҳалладошлари юзини ерга қаратмасликка ваъда берди.

— Аввало, ҳар бир оилада тинчлик бўлсин, — дейди йиғин раиси Р.Раҳматова. — Ҳудуддаги бирор оилада нотинчлик рўй берса, хотиржам қараб туролмаймиз. Аввало, муаммонинг сабабини аниқлаймиз, оила аъзоларини муросага чақирамиз, кўпчилик бўлиб ўртага оламиз. Оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида мунтазам тарзда тадбирлар ўтказиб турамиз. Ҳаракатларимиз натижасида нотинч оилалар сони кескин камайди.

Рисолат Раҳматова йиғин маслаҳатчиси бўлиб ишлаган йилларидаёқ одамларнинг кўнглига йўл топа олган эди. Бугунги кунда раис сифатида олиб бораётган ишларидан маҳалла аҳли мамнун.

Куннинг иккинчи ярмида Р.Раҳматова туман ҳокимлигида чет эл инвесторлари билан ўтказилган учрашувда қатнашди. Тадбирда чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи муҳокама қилиниб, кўриладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Осиё Тараққиёт банки томонидан маблағ ажратиладиган бўлди.

Раис идорага келиб, фаоллар билан ҳудудга махсус сув қувурларини ётқизишнинг қулай жиҳатларини муҳокама қилди. Шундан сўнг Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш, маҳаллада ободонлаштириш ишларини изчил давом эттиришга доир навбатдаги ишлар режалаштириб олинди.

Демак, йиғин раисининг эртанги куни ҳам маҳалла ободлигини, хонадонлар хотиржамлигини, қулай турмуш шароитини таъминлашдек хайрли ишлар билан бошланади.

**Маруса АТОҚУЛОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

